



НИНАЧИ БИЛАН ЧУМОЛИ

Ниначи шўх куйлаб чалди соз,
Сайилларда ўтди гўзал ёз,
Томошадан бўшай демади,
Қиш ғамини сира емади.
Шундай... босиб келди қора қиш,
Улгурмади, қолди кўп юмуш.
Далалар бўш эди, йўллар жим,
Изғиринда йўқламас ҳеч ким.

Ҳар барг соясида сайил йўқ,
Уй излашга дармон, майил йўқ.
Кунлар совуқ, бошланди очлик,
Ниначини босди муҳтожлик.

Оч қоринга қўшиқ на ҳожат,
Ниначи ҳам сезди ҳалокат.

Ваҳим тушди ширин жонига,
Чумолининг келди ёнига.

— „Ёмон кунга қўйма, ўртоқжон,
Токи йиғиб олайн дармон,
Ёз келгунча мени оч қўйма,
Аёзларда яланғоч қўйма“.

— „Ҳайрон бўлдим! Нега руҳинг бўш.
Ишлабмидинг ёз чоғида, хўш?“ —
Деб сўради ундан Чумоли.

— „Вақт бормиди, — дер, — иш кўргали.
Майсазорда мен чалиб сурнай,
Тараллаю ялла ҳар нафас,
Хаёлга ҳеч қиш келган эмас!“

— „Ҳали шундай дегин?“

— „Ҳа, шундай,

Кўшиқ айтиб ўтдим ёз бўйи“.

— „Кўшиқ айтиб? Ажаб бўлипти.
Энди ўйин тушмоқ қолипти“.

МАЙМУН ВА КЎЗОЙНАК

Маймун қариб, хира бўлиб қолди кўзи,
Эсга тушди одамларнинг айтган сўзи:

„Бу камчилик — сал гап,
унинг чораси бор,

Кўз ўтмаса, тезда кўзойнак олмоқ даркор!“
Маймун топди кўзойнакдан олтитасини,
Деди: Кўзим ўткир бўлсин; тақай қани.
Дам бошига, дам думига тақди бир-бир,
Искаб, ялаб, наф кўрмади,
сўнгра, ахир,

Деди:

„Туф-е! Ким ишонса, бўлур аҳмоқ,
Одамларнинг гапи ёлғон бошдан-оёқ.
Кўзойнакдан кўрмадим-ку ҳеч ҳам фойда“
Алам қилиб, чидай олмай,
у шу жойда

Ойнакларни шарақлатиб тошга урди,
Чил-чил синиб,
кўзойнаклар қумдек тўкилди.

Эсизгина, одамларда ҳам бор бу ҳол:
Нодон асл буюмларнинг қадрин билмас,

Гийбатдан ҳам тилин тиймас,
Агар нодон бўлса яққол,
Унга яна кун ҳам бермас.





ҚАРҒА БИЛАН ТУЛКИ

Насиб бўлди Қарғага бир бўлак пишлоқ;
Илиб қочиб арчага қўнди дарҳол,
Маза қилиб емоқчи бўлди наҳор.
Лекин ўйланиб қолди оғзида пишлоқ,

Ўтар экан яқиндан бир Тулки шу чоқ,
Пишлоқ ҳиди тўхтатди Тулкини йўлдан,
Кўрди-ю, асир бўлди унга кўнгилдан;
Дарахт тагига келди ликиллатиб

дум,

Қаргадан кўз узмади бир лаҳза у

шум,

Юрагини ҳовучлаб, деди мулойим:

„Вой, мунча ҳам яхшисан, жоним,

қароғим!

Бўйинг бирам чиройли, кўзларинг

шаҳло!

Афсонадаги каби чиройинг аъло!

Патларинг кўп ажойиб! Бурнинг ундан

соз!

Париштада ҳам йўқдир сендаги овоз!

Қани, уялма, жоним! Куйлай қол,

сингил,

Гўзаллигингдай гўзал куйла бир

шингил!

Ахир, подшоҳ қушимиз ўзинг-ку, жигар!“

Мақтовлардан анқовнинг боши айланиб,

Суюнчидан бўғзига тиқилди нафас.

Хушомадга жавобан Қарға шайланиб,
Қағиллади томоғин қириб у бирпас,
Тулки эса пишлоқни илди-да кетди,
Муродга етди.





ТУЛКИ ВА УЗУМ

Оч тулки, узумзор бир боққа кирди:
Ишкомларда узумлар, ётарди пишиб.
Шингиллар ёқутдай товланар эди,
Ҳар бири) Тулкининг кўзини куйдириб.

Шуниси ёмонди: узуми баланд,
Оч Тулки уринди, суринди ҳар чанд,
Иштаҳа очилиб, оқди сўлакай,
Узумлар хўп ширин, худди асалдай.
Бекорга овора, бўлиб бир соат,
†Қайтаркан, аламдан деди:

— „На ҳожат,
Кўрими яхши-ю, ўзи нордон — ғўр,
Битта ҳам етилган донаси йўқдир.
Еганинг билан ҳам тиш қамашадир“.

